

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЛИМЖОНОВ ХАБИБЖОН АБДУХАЛИМ ЎТЛИ**

**ТУРКИСТОНДА КУТУБХОНА ИШИ ТАРИХИ (1870–1917 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Олимжонов Хабибжон Абдухалим ўғли**

Туркистонда кутубхона иши тарихи (1870–1917 йй.) ..... 3

**Олимжонов Хабибжон Абдухалим ўғли**

История библиотечного дела в Туркестане (1870–1917 гг.) ..... 27

**Olimjonov Khabibjon Abdukhalim ogli**

History of library work in Turkestan (1870–1917 years ) ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЛИМЖОНОВ ХАБИБЖОН АБДУХАЛИМ ЎҒЛИ**

**ТУРКИСТОНДА КУТУБХОНА ИШИ ТАРИХИ (1870–1917 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tar806 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович**  
тарих фанлари номзоди, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Расулов Абдулла Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Умаров Абдусалом Адилевич**  
социология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.2019.Tar.01.04 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «7» 12 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория). Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 049 рақам билан рўйхатга олинган (манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871) 246-02-04).

Диссертация автореферати 2022 йил «23» 11 кунни тарқатилди.  
(2022 йил «4» 08 даги 22 рақамли реестр баённомаси билан).



  
**Х.Э.Юнусова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

  
**Ж.Э.Тогаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д. (PhD)

  
**Н.У.Мусаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котибдаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда кутубхоналар маънавиятли инсонларни тарбиялашда асосий муассаса бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий онгининг ривожланиши учун асосий вазифани бажариб келмоқда. Глобаллашув жараёни кутубхоналарга ҳам жуда катта таъсир кўрсатиб, улар аҳолининг маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларини бартараф этишда катта таъсирга эга. Кутубхона ассоциациялари ва муассасалари Халқаро Федерацияси (IFLA) маълумотиغا кўра, дунёда 569 мингдан зиёд кутубхоналар фаолият юритмоқда.

Жаҳоннинг бир қатор давлатларида кутубхоналарнинг пайдо бўлиши, ривожланиш тарихи, китоб фондларининг шакллантирилиши, экслибрислар (китоб эгасининг шахсий тамгаси)ни ўрганиш, 1870–1917 йилларда оммавий, шахсий, илмий ва махсус кутубхоналарга асос солиниши, фаолият юритиши, китобларни сақланиши, мутолаанинг миллат маънавий ҳаётида тутган ўрнига доир илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, кутубхона мутахассисларининг касбий компетенцияларини шакллантириш, китоб фондларини ракамлаштириш, масофадан туриб хизмат кўрсатиш, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш, замонавий кутубхоналарнинг EBSCO дастурий ечимларини ишлаб чиқиш каби муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, китобхонлик маданиятини шакллантириш, китоб мутолаасига бўлган қизиқишни уйғотишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ўзбекистонда амалга оширилаётган эътиборга молик ишлар, хусусан илм-фан, таълим-тарбия, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини изчил ривожлантириш, бозор иқтисодиёти шароитида илм ва ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, китобхонлик маданиятини ошириш каби вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган”<sup>1</sup>. Мазкур масалаларни амалга ошириш учун 1870–1917 йилларда Туркистонда кутубхона иши тарихини манбалар, даврий матбуот материаллари, архив хужжатлар таҳлили асосида ўрганиш, таҳлил этиш, маълумотларни илмий муомалага киритиш диссертациянинг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 18 сентябрдаги ПҚ-739-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – Б. 340.

хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоёлар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос равишда амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси<sup>2</sup>.** Диссертация биринчи бобининг биринчи параграфи мавзунинг тарихшунослик масалаларига бағишланган бўлиб, адабиётлар тўрт гуруҳ: Россия империяси мустамлакаси даврида нашр этилган китоблар, совет ҳукумати давридаги адабиётлар, мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар ва хорижий муаллифлар томонидан яратилган тадқиқотларга ажратилди.

Тадқиқотга доир изланишлар таҳлили шуни кўрсатдики, Россия империяси мустамлакаси даврида нашр этилган асарларда Тошкент оммавий кутубхонаси фаолияти бўйича бир қатор мақолалар эълон қилинган, Туркистон ўлкасининг Фаргона, Самарқанд, Сирдарё, Каспийорти вилоятлари, Еттисувдаги кутубхоналар ва маҳаллий аҳоли вакилларига тегишли шахсий кутубхоналар, китоб фондлари мазмуни хусусида тадқиқотлар кам учрайди.

Совет бошқаруви давридаги асарларда мазкур илмий муаммо бир ёқлама, ҳукмрон мафкура гоёлари асосида таҳлил этилган бўлиб, алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти, жойлардаги маҳаллий ахборот-кутубхона марказлари, уларнинг китоб фондларига оид бир қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Хорижий тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида эса китобат тарихи, кутубхоналарнинг вазифалари, замонавий кутубхоналар барпо этиш муаммолари батафсил тадқиқ этилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлар режаларига мувофиқ, А-ОТ-2021-542–“Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш ва ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий гоёларининг таълим ва тарбиядаги аҳамияти ёритилган электрон платформа ва мультимедияли комплексини яратиш” мавзусидаги амалий илмий лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** 1870–1917 йиллари Туркистонда кутубхона иши тарихини маҳаллий, хорижий манбалар, архив ҳужжатлари, статистик

---

<sup>2</sup> Муаммонинг ўрганилганлик даражаси диссертация биринчи бобининг 1-параграфиди батафсил ёритилган.

тўпламлар, даврий матбуот материаллари, йилнома, ҳисобот ва ёзишмалар асосида очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кутубхона иши тарихига оид хорижий ва Ўзбекистон илм-фанида мавжуд илмий қарашлар, ёндашувлар ва методларни ёритиб бериш;

тадқиқотга доир манбалар, архив ҳужжатлари, даврий матбуот материалларини таснифлаш ва асосий хусусиятларига баҳо бериш;

мавзунинг тарихшунослик масалаларини ўрганиш;

Россия империясининг минтақадаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга доир сиёсати ва унинг кутубхоналар фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш;

ўлкада ташкил қилинган оммавий, шахсий ва махсус кутубхоналарнинг ўлка аҳолиси ижтимоий ҳаётида тутган ўрнини далиллаш;

кутубхоналарнинг китоб фондлари, сарф-харажатлари, Туркистон маҳаллий аҳолисининг кутубхоналарга ташрифини кўрсатиб бериш;

кутубхона ишига доир илмий-тадқиқот ва инновацион масалаларни очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** 1870–1917 йиллари Туркистонда кутубхона иши тарихи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ўрганилаётган хронологик даврда Туркистонда кутубхона ишининг йўлга қўйилиши, фаолият юритиши, мустамлака тузуми шароитида бу борадаги сиёсат ва амалга оширилган ишлар, кутубхоналарнинг ташкилий, моддий-техник ривож ва кадрлар масаласи белгиланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида қиёсий таҳлил, муаммовий ва миқдорий таҳлил, тизимлилик, шунингдек, тизимлаштириш, тарихий-типология, тарихий маълумотларни умумлаштириш, ҳолислик тамойили каби илмий-тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

хонликларидаги кутубхоналарни маблағ билан таъминлаб турувчи вақф ерлари, хусусий мол-мулкларнинг катта қисми давлат тасарруфига ўтиши натижасида қискариши, маҳаллий кутубхоналарнинг иқтисодий тангликка учраб ёпилиши, империя маъмурлари томонидан маҳаллий аҳоли вакилларига тегишли шахсий кутубхоналардаги мукаддас китоблар, ноёб тошбосма, қўлёзма асарларнинг зўрлик билан олиб қўйилиши, Туркистон ҳарбий маъмурияти томонидан оммавий, махсус кутубхоналарга асос солиниши исботланган;

Тошкент оммавий кутубхонаси, вилоят, шаҳар марказларидаги ўқув юртлари, темирўл бекатлари ва ҳарбий қисмларда махсус кутубхоналарнинг ташкил этилиши, китоб фондларида география, тарих, статистика, археология, санъатшунослик, қишлоқ хўжалиги фанлари, ҳарбий, денгиз илмига оид рус, француз, немис ва бошқа тиллардаги китоблар ҳамда рисолалар бўлганлиги, бироқ маҳаллий аҳоли тил билмаслиги сабаб мазкур кутубхоналардан фойдалана олмаганлиги далилланган;

Россия илмий жамиятларидан Туркистон ўлкасини ўрганиш учун келган геолог, географ, табиатшунос, этнограф, этнолог, ўлкашунос, шарқшунос

олимлар тўплаган маълумотлар асосидаги босма нашрлар, шунингдек, бошқа турдаги китоблар сонининг ортиши ва энг асосийси, империя ўлкадаги бошқарув маъмурлари, ҳарбийлари ва уларнинг яқинларини китобга бўлган эҳтиёжларини кондириш мақсадида Тошкент оммавий кутубхонаси, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё ва Каспийorti вилоятларида маҳаллий оммавий кутубхоналар ташкил этгани асосланган;

мустамлака тузуми шароитида ҳам Туркистондаги маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан очилган шахсий кутубхоналарда китобхонлар Наршахий, Давлатшоҳ Самарқандий, Шарафиддин Али Яздий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва Муҳаммад Юсуф Мунший каби алломаларнинг қаламига мансуб асарларнинг қўлёзмалари ҳамда тошбосма нусхалари, шунингдек, жаҳон адабиётининг нодир намуналарини мутолаа қилишганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Туркистонда фаолият юритган оммавий ва бошқа турдаги кутубхоналарнинг шаклланиши бўйича дастлабки таклиф ва лойиҳалар, бу борада амалга оширилган ишлар, кутубхоналар китоб фондлари ҳамда уларнинг мазмуни илк бор умумлашган ҳолда очиб берилган;

империя бошқаруви даврида ўлкада аввалдан мавжуд бўлган ва ўзида минглаб қимматбаҳо китоб фондларини сақлаган шахсий кутубхоналар тизимига аҳамият қаратилмаганлиги, кўп ҳолларда улар турли сабаблар билан Россиянинг марказий кутубхоналари ва музейларига ташиб кетилганлиги аниқланган;

мустамлака шароитида Туркистон ўлка халқларининг китоб маҳсулотлари ва босма нашрларга бўлган талаб-эҳтиёжи Россиянинг марказий қисмларидаги аҳоли кўрсаткичларидан кескин паст бўлганлиги ҳамда бу борадаги ишлар тизимли ташкил этилмаганлигидан мазкур ҳолат XX аср бошларига қадар ҳам сақланиб қолганлиги исботланган;

ўлкада кутубхона ишига оид мавжуд тарихий манбалар тизимлаштирилган, тадқиқотга оид услубий ва назарий ёндашувлар асосида ўлканинг кутубхона иши тарихи (1870–1917 йй.) таҳлил қилиниб, унинг асосидаги тажриба Ўзбекистонда кутубхонашунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш жараёнида фойдаланишга хизмат қилган;

XIX аср иккинчи ярми–XX аср бошларида маҳаллий зиёлилар томонидан яратилган, аммо йўқолиб бораётган ёхуд чет эл кутубхоналарида сақланаётган китобларни қидириб топиш, библиографиясини тузиш ва улар устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда мазкур китобларни ўрганиш натижаларини нашр этиш ва рақамлаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** мавзуни ўрганишда маҳаллий ва хорижий манбалар, даврий матбуот нашрлари, чоп этилган статистик тўпламлар ва йилномлар, Ўзбекистон Миллий архиви (ЎЗМА)нинг И-1-фонд–Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси, И-3-фонд–Россиянинг Бухородаги Сиёсий агентлиги, И-17-фонд–Сирдарё вилояти бошқаруви, И-19-фонд–Фарғона вилояти бошқармаси, И-37-фонд–Тошкент шаҳар бошқармаси, И-267-фонд–Тошкент оммавий кутубхонаси, И-276-фонд–Фарғона вилояти

ҳарбий губернатори девонхонаси, Р-2412, Р-2681, Р-2752 рақамли шахсий фонд ҳужжатларидан фойдаланилгани, олинган маълумотлар муаммога доир асарлар билан киёсий таҳлил этилгани, бир қатор тадқиқот натижаларининг илмий муомилага киритилгани ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти 1870–1917 йилларда Туркистон ўлкасида очилган оммавий, шахсий, махсус кутубхоналар, уларнинг китоб фондлари тарихини ўрганилиши, Ўзбекистонда кутубхона иши тарихининг назарий-методологик асослари, тадқиқот усуллари, мавжуд қарашлар ва илмий янгиликларни тўлдиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кутубхона иши тарихи билан боғлиқ таҳлилий маълумотларни тайёрлашда, китобхонлар ва кутубхона иши билан боғлиқ давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш, шунингдек, ишда келтирилган маълумотлардан ахборот-кутубхона марказлари фаолиятини ташкил этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ёш авлоднинг китобхонлик маданиятини ошириш, китоб мутолаасига бўлган кизикишни уйғотиш бўйича махсус курслар учун ўқув қўлланма, дарсликлар мазмунини бойитишда муҳим аҳамият асб этади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Туркистонда кутубхона иши тарихига оид илмий хулоса ва таклифлардан:

1870 йилда Туркистон ўлкасида очилган Тошкент оммавий кутубхонаси тарихи, кутубхонада сақланган китоб фондлари, уларнинг мазмуни тўғрисидаги маълумотлар, ўлка вилоятларидаги маҳаллий шаҳар кутубхоналарининг ўзига хос хусусиятлари, уларда сақланган турли соҳаларга оид рисолалар, китоблар, алоҳида шахсий кутубхоналарнинг фаолияти ва ёпилишига оид натижалардан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва унинг тизимидаги ахборот-кутубхона марказларининг таркибий бўлинмаларида тарғибот ва иш юритиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2022 йил 15 апрелдаги 11-1567-сонли маълумотномаси). Натижалардан республикадаги энг йирик Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, унинг тизимидаги ахборот-кутубхона марказларининг китоб фондларни ташкил этиш ва иш юритиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Туркистондаги маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан очилган шахсий кутубхоналарда маҳаллий китобхонлар Наршахий, Давлатшоҳ Самарқандий, Шарафиддин Али Яздий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, ва Мухаммад Юсуф Мунший каби алломаларнинг қаламига мансуб асарларнинг қўлёзмалари, тошбосма нусхалари, шунингдек, жаҳон адабиётининг нодир намуналарини мутолаа қилишганлигига доир маълумотлардан Республика Маънавият-маърифат маркази ҳузуридаги ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтида ўтказилган тарғибот фаолиятида фойдаланилган (Республика Маънавият-маърифат маркази ҳузуридаги ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтининг 2022 йил 17 февралдаги 21-сонли маълумотномаси). Илмий-тадқиқотга оид маълумотлардан ёш авлоднинг китоб мутолаасига бўлган

қизиқишини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, маҳаллий зиёлиларнинг шахсий кутубхоналари ва китоб фондлари тўғрисидаги маълумотлар билан кенгроқ танишишга имкон берган.

Туркистондаги оммавий кутубхоналар, шахсий кутубхоналар ва вилоятлардаги махсус кутубхоналар тарихи, асос солиниши, китобхоналарнинг қизиқишлари, китоб фондларида рус, француз, немис ва бошқа тиллардаги китоблар билан бир қаторда география, тарих, статистика, санъатшунослик, археология, қишлоқ хўжалиги фанлари, ҳарбий, денгиз илмига оид китоблар ва рисолалар бўлганлиги, бироқ маҳаллий аҳоли тил билмаслиги сабаб мазкур кутубхоналардан фойдалана олмаганлигига доир олинган натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокоманиясининг “O‘zbekiston tarixi” телеканалидаги “Taqdimot” кўрсатувининг ценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокоманияси “Ўзбекистон” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 9 июндаги 02-40-985-сонли маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижалари телетомошабинларни Туркистондаги оммавий кутубхоналар, шахсий ва махсус кутубхоналар тарихи, китоб фондларининг шаклланиши, сакланишига доир билимларини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан халқаро миқёсдаги 2 та, республикадаги 6 та илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 9 та илмий мақола, жумладан республикадаги 6 та ва хорижнинг 3 та нашрларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати, иловадан иборат бўлиб, тадқиқот қисми 138 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг назарий-методологик асослари ва мавзуга доир манбалар, тарихшунослик масалалари”** деб номланган биринчи бобида соҳага оид назарий-методологик ёндашувлар, адабиётларнинг ўрганилиш даражаси, мавзунинг манбалар билан боғлиқ масалаларига

мурожаат этилган.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асосларида Ўрта Осиё Россия империяси ҳарбийлари томонидан мустамлакага айлантиргунга қадар бўлган Ўзбекистонда кутубхона иши тарихини уч асосий тарихий давр: қадимги ва илк ўрта асрлар даври (милоддан аввалги V аср–милодий VII аср), ривожланган ва сўнгги ўрта асрлар (IX аср–XIX асрнинг биринчи ярми); Россия империяси мустамлакаси даврида кутубхона иши тарихи (1870–1917 йиллар)га бўлиб ўрганилган.

Дастлаб қадимги Сўғдиёна ва Хоразмда кутубхоналар ташкил этилиб, ўрта асрларга келиб бой кутубхоналарга айланган. Йирик вилоят ва шаҳар марказларида кутубхоналар пайдо бўлиб, шахсий китоб фондларига эга бўлган.

Ривожланган ва сўнгги ўрта асрлар даврида масжид, мадраса, ўқув юртлари қошидаги кутубхоналар, шахсий, жамоат кутубхоналар, шифохоналардаги кутубхоналарнинг аксарияти вақф мулки даромадлари ва хайр-эҳсонлар ҳисобига фаолият юритган. Аммо бу вақтларда кутубхона ишини тартибга солиш ва раҳбарлик қилиш тизими мавжуд бўлмаган. XIX аср иккинчи ярмига келиб вақф ерлари, хусусий мол-мулкларнинг катта қисми қисқариши натижасида юқоридаги кутубхоналар иқтисодий тангликка учраб ёпила бошлаган.

Россия империяси мустамлакаси даврида Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Каспийорти, Етисув вилоятлари ва Тошкент шаҳрида империя молия вазирлиги маблағларидан молиялаштириладиган тартиб-қоидаларга эга кутубхоналар ташкил қилишга ҳаракат қилинган. Уларнинг китоб фондлари анча кенг бўлиб, турли тилларга оид китоблар, хархил журналлар сақланиб, кундалик газеталарга обуна ташкил этилган.

Туркистонда кутубхона иши тарихи мавзуига доир маълумотларни манбавий асосларига кўра бир неча туркумга: даврий матбуот материаллари, архив ҳужжатлари ва ёзма манбалар, статистик шарҳлар, йилномаларга ажратиш мумкин.

*Даврий матбуот.* “Туркестанские ведомости” газетасида ўлкадаги оммавий кутубхоналар, шахсий кутубхоналар, озодликдан маҳрум этилган маҳбусларнинг жазони ўташ муассасалари (қамоқхоналар)даги кутубхоналар, мактаб кутубхоналарининг очилиши, фаолияти ва фондларига доир мақолалар мунтазам нашр қилиб турилган<sup>3</sup>. Газетада ўлкадаги кутубхоналар иши бўйича яна кўплаб қизиқарли маълумотлар чоп этилган<sup>4</sup>.

---

<sup>3</sup> Қаранг: Общественная библиотека / “Туркестанские ведомости”, 21 мая 1870. – №2.

<sup>4</sup> Армянские предания о библиотеки Тамерлана / “Туркестанские ведомости”, 20 ноября 1870. – №14; Ташкентское училище / “Туркестанские ведомости”, 14 февраля 1871. – №4; Библиографическая заметка / “Туркестанские ведомости”, 1 апреля 1875. – №14; Заметка о Ташкентской публичной библиотеке / “Туркестанские ведомости”, 20 мая 1875. – №20; Библиографическая заметка / “Туркестанские ведомости”, 27 мая 1875. – №21; Поводу заметку о Верненской тюремной библиотек / “Туркестанские ведомости”, 22 ноября 1877. – №46; Новая книга Средней Азии / “Туркестанские ведомости”, 27 марта 1879. – №13; Словарь к арабской хрестоматии и Корану / “Туркестанские ведомости”, 5 января 1882. – №1; Книжная торговля на базарах и мусульманская литература в медресе Ферганы / “Туркестанские ведомости”, 7 декабря 1882. – №48; Рапорт старшего чиновника для особых поручений, подполковника Крестовского, Туркестанскому генерал-губернатору / “Туркестанские ведомости”, 11 декабря 1882. – №49; От

Газетага илова қилиб чиқарилган “Туркистон вилоятининг газети”да Маҳмудхўжа Бехбудий ва бир қатор маҳалий аҳоли вакилларининг ташаббуси билан Самарқандда ташкил этилган оммавий ҳамда шахсий кутубхоналарнинг очилиши хусусида маълумотлар бор<sup>5</sup>. Шунингдек, “Садойи Фарғона”, “Нажот” ва бошқа газета саҳифаларида ҳам китобат ва кутубхона иши тўғрисида маълумотлар учрайди<sup>6</sup>.

*Архив ҳужжатлари.* Туркистонда кутубхона иши тарихини ўрганишда Ўзбекистон Миллий архиви (ЎЗМА)нинг И-1-фонд–Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси, И-3-фонд–Россиянинг Бухородаги Сиёсий агентлиги, И-17-фонд–Сирдарё вилояти бошқаруви, И-19-фонд–Фарғона вилояти бошқармаси, И-37-фонд–Тошкент шаҳар бошқармаси, И-267-фонд–Тошкент оммавий кутубхонаси, И-276-фонд–Фарғона вилояти харбий губернатори девонхонаси ҳамда архивнинг Туркистонда кутубхона ишини ташкил этилишига салмоқли ҳисса қўшган библиографлар Евгений Карлович Бетгер (1887–1956 йй.)га оид Р-2412-рақамли<sup>7</sup>, Георгий Николаевич Чабров (1904–1986 йй.)га оид Р-2681-рақамли<sup>8</sup>, Николай Апполонович Буров (1885–1965 йй.)га доир Р-2752-рақамли<sup>9</sup> шахсий фонд ҳужжатлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур фонд ҳужжатлари орқали жойларда кутубхоналарнинг ташкил этилиши, кутубхона каталогларининг тузилиши, кутубхоналар учун қурилган бинолар, таъмирлаш ишлари, шахсий кутубхоналарнинг очилиши, кутубхоналар учун ажратилган маблағ, кутубхоналарни китоблар билан бойитиш, кутубхоналарнинг газета, журналларга обунасини ташкил этиш, Туркистон оммавий кутубхонасининг ҳисоботлари, газета, журналлардан парчалар, китобларни нашр этилиши, рўйхати, ойлик маошларга доир маълумотлар, бухгалтерия ҳисоботлари, Туркистон “Кузатув қўмитаси”нинг Туркистон оммавий кутубхонасидаги учрашув баённомалари, турли хил

---

Ташкентского музея / “Туркестанские ведомости”, 31 января 1884. – №5; Что такое Коран? / “Туркестанские ведомости”, 18 января 1883. – №1, 2, 3, 4, 7, 8, 10; Магазин учебных книг и пособий / “Туркестанские ведомости”, 3 мая 1883. – №17; Книжная торговля в Ташкент / “Туркестанские ведомости”, 6 декабря 1883. – №48; Правила для пользования книгами из имеющегося при музее книгохранилища / “Туркестанские ведомости”, 13 декабря 1883. – №49; Заметка о Ташкентском музее / “Туркестанские ведомости”, 5 января 1884. – №1; Наблюдательного за музеем и книгохранилищем комитета / “Туркестанские ведомости”, 24 января 1884. – №4; Ташкентской публичной библиотеки и находящегося при музее / “Туркестанские ведомости”, 7 август 1884. – №31; Частная библиотека П.И.Кожевниковой / “Туркестанские ведомости”, 27 ноября 1884. – №47, 49; Книжный магазин / “Туркестанские ведомости”, 4 января 1914. – №1; Две книги Туркестане / “Туркестанские ведомости”, 29 января 1914. – №23.

<sup>5</sup> Қаранг: Бехбудий М. Самарқанд оммавий кутубхонаси ва ўқув хонасининг очилиши хусусида / “Туркистон вилоятининг газети”, 1908. – №48; Бехбудий М. Мусулмонлар кутубхонаси учун пул тўплаган шахсларнинг рўйхати / “Туркистон вилоятининг газети”, 1910. – №17, 28, 65; Самарқанд шаҳар мусулмонлар кутубхонаси ва кироатхонасининг ҳисоботи / “Туркистон вилоятининг газети”, 1910. – №17; Самарқанддан хат / “Туркистон вилоятининг газети”, 1910. – №16; Самарқанддан хат / “Туркистон вилоятининг газети”, 1910. – №16; Самарқандда мусулмон театри / “Туркистон вилоятининг газети”, 1911. – №21; Муин Х, Театр китоби / “Туркистон вилоятининг газети”, 1912. – №12.

<sup>6</sup> “Ғайрат “кутубхонасидан / “Садойи Фарғона”, 1915. – №119; Хурриятдан нечук фойдаланамиз / “Нажот”, 1917. – №17.

<sup>7</sup> ЎЗМА И-2412-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 2-варак.

<sup>8</sup> Қаранг: ЎЗМА И-2681-фонд, 1-рўйхат, 71, 161, 179, 190, 1040-йиғмажилдлар.

<sup>9</sup> Қаранг: ЎЗМА И-2752-фонд, 1-рўйхат, 5, 10, 14-йиғмажилдлар.

ёзишмалар, “Туркистон тўплами”ни тузиш ишлари ва бошқаларни ўрганиш мумкин.

*Ёзма манбалар.* Туркистонда кутубхона иши тарихига доир манбаларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: Россия империяси мустамлакаси даврида ёзилган маҳаллий ва русийзабон манбалар.

Шунингдек, XIX аср иккинчи ярми–XX аср бошларида яшаб ижод қилган тарихчи Исҳоқхон Жунайдуллохўжа ўгли Ибрат Тўрақўргоний<sup>10</sup>, Мулла Олим Маҳдумхожи<sup>11</sup>, Муҳаммад Солиҳ Тошкандий<sup>12</sup> асарлари, Маҳмудхўжа Бехбудий<sup>13</sup>, Абдулла Авлоний<sup>14</sup> ва бошқа маърифатпарвар зиёлиларнинг китобларида кутубхонанинг жамиятдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга иккинчи гуруҳга тааллуқли русийзабон шарқшуносларининг Туркистонда кутубхоналар фаолиятига доир китобларини келтириб ўтиш жоиз. Ўлкашунос ва библиограф Н.В.Дмитровский<sup>15</sup>, шарқшунос А.Л.Семенов<sup>16</sup>, шарқшунос, академик В.В.Бартольд китобида ўлкадаги бир нечта шаҳар кутубхоналари, шахсий кутубхоналар тўғрисида ва маҳаллий қўлёзмалар хусусида маълумотлар қолдирган<sup>17</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда бўлган америкалик Южин Скайлер китобида Туркистон халқ кутубхонаси, китоб фондлари, ўлка аҳолисининг китобга бўлган муносабатлари ҳам баён қилинган<sup>18</sup>.

*Статистик шарҳлар, йилномалар.* Ўрганилаётган мавзу юзасидан туркум статистик нашрлар, йилномалар чоп этилган бўлиб, уларда ўлкадаги кутубхоналар фаолияти атрофлича таҳлил этилган.

Туркистондаги китоблар ва уларнинг мазмуни, китобхонларнинг китобга бўлган муносабатлари акс этган қимматли маълумотлар генерал Л.О.Костенконинг статистик тўпламидан ўрин олган<sup>19</sup>.

Туркистонда тафтиш ишларини олиб борган граф К.К.Паленнинг ўлканинг тафтиш ҳисоботларида Ўрта Осиё, хусусан Туркистондаги кутубхоналар ва уларда сақланаётган китобларнинг мазмуни тўғрисидаги

---

<sup>10</sup> Қаранг: Исҳоқхон Ибрат. Жомий-ул-хутут. Тошбосма. Наманган. 1912 // Ўзбекистон Миллий университети Нодир қўлёзмалар фонди. В 019 / 721-рақам.

<sup>11</sup> Мулла Олим Маҳдум Хожи. Тарихи Туркистон. – Қарши: “Насаф”, 1992. – 184 б.

<sup>12</sup> Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидайи Тошканд» асари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. – 272 б.

<sup>13</sup> Бехбудий М. Танланган асарлар. Тўпловчи ва изоҳлар: Б.Қосимов. 3-нашр. – Тошкент: “Маънавият”, 2006. – 280 б.

<sup>14</sup> Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992. – 161 б.

<sup>15</sup> Дмитриевский Н.В. Библиографический указатель сочинений о Средней Азии, напечатанных в России на русском языке. – В кн.: Туркестанский край. Статистический комитет. Ежегодник материалы для статистики Туркестанского края. Вып. III. – СПб., 1874. – 67 с.

<sup>16</sup> Семенов А.Л. Туркестанский сборник (Библиографическая заметка) // Записки Восточного отделения Императорского Русского археологического общества. Т. XVIII – СПб., 1886. – С. 72–79.

<sup>17</sup> Бартольд В.В. Отчёт о командировке в Туркестан. – Ташкент, 1909. – 278 с.

<sup>18</sup> Скайлер, Южин. Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёхат қайдлари / Кириш, инглиз тилидан қисқартирилган таржима, изоҳлар ва қўрсаткичлар муаллифи З.А.Саидбобоев. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019. – 336 б.

<sup>19</sup> Костенко Л.Ф. Туркестанский край. Опыт военно-статистического обозрения Туркестанского военного округа. Т. I. Материал для географии и статистики. – СПб., 1880. – С. 411-412.

шарҳлар берилган<sup>20</sup>. К.К.Пален ҳисоботларида Тошкент оммавий кутубхонасига 1871 йилда ходимлар маоши 500 рубль, кутубхонанини китоблар билан тўлдиришга 800 рубль, кутубхона ижараси 1500, жами 2800 рубль сарфланганлиги аниқланган<sup>21</sup>.

Тадқиқотчи И.Яворский 1877–1879 йилларда Туркистон оммавий кутубхонасининг бой материалларидан фойдаланиб, ўлка географияси, табиати, геологияси, тарихи ва иқтисодий алоқалари, махсус тиббий топографияси, ўлка санитар ҳолати, маҳаллий касалликлар бўйича қайдлар билан бирга, ўлка вилоятларидаги кутубхоналар ҳақида берган муҳим статистик маълумотларни тақдим этган<sup>22</sup>.

Тадқиқотчи Н.С.Лыкошин ёзганларидан Тошкент бозорларида китоб сотиш билан маҳаллий аҳоли вакиллари “сахҳоф”лар шуғулланишини, бозорларда ислом динининг муқаддас Қуръони Карим, Ҳафтияк ва бошқа китоб ҳамда дарсликларни сотилганлигини билиб олиш мумкин<sup>23</sup>.

Туркистонда кутубхона иши тарихшунослиги бўйича адабиётлар тўрт гуруҳга: Россия империяси мустамлакаси даврида ёзилган асарлар; совет даврида нашр этилган тадқиқотлар; мустақиллик йилларида нашр этилган китоблар; хорижий адабиётларга ажратилган.

Биричи гуруҳга тааллуқли адабиётлар туркумига бевосита Россия империясининг босқини ва унинг мустамлака ҳукмронлиги ўрнатилган давр, яъни XIX асрнинг сўнги чораги–XX аср бошларида яратилган тарихий асарларни<sup>24</sup>, иккинчи гуруҳга эса бевосита 1917 йилдан то 1990 йилгача, яъни Совет ҳокимияти йилларида нашр этилган адабиётлар ва илмий-тадқиқотларни<sup>25</sup>, учинчи гуруҳ адабиётларига бевосита Ўзбекистон

---

<sup>20</sup> Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по Высочайшему повелению сенатором гофмейстром графом К.К.Паленом. – СПб., 1910. – 430 с.

<sup>21</sup> Юкоридаги асар. – С. 226.

<sup>22</sup> Яворский И. Опыт медицинской географии и статистики Туркестана. Часть I. – СПб.: Типография Департамента Уделов, Моховая, 1889. – С. 441.

<sup>23</sup> Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – СПб., 1916. – С. 241.

<sup>24</sup> Лахтина С.И. Каталог книг иностранного отделения Туркестанской Публичной Библиотеки. – Ташкент, 1891. – 250 с.; Лидский О. Алфавитный каталог книг русского отделения Туркестанской публичной библиотеки. Словесность: Теория, критика, история беллетристика, поэзия, драма. – Ташкент: Типо-литография Б.Порцевих, 1894. – 46 с.; Сальков В. Андиканское восстание в 1898 году. – Казань, 1901. – 234 с.; Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Т. III. – СПб., 1906. – 425 с.; Геруца К.О. Думской библиотеке. Несколько слов о задачах и об устройстве библиотеки Государственной Думы. – СПб., 1909. – 17 с.; Бартольд В.В. Отчёт о командировке в Туркестан. – Ташкент, 1909. – 278 с.; Добросмыслов А. Туркестанская публичная библиотека и музей. Исторический очерк. – Ташкент, 1910. – 24 с.; Наливкин В. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент, 1913. – 123 с.

<sup>25</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Л., 1927. – 254 с.; Бетгер Е.К. Три четверти века культурной работы. К 75-летию Государственной публичной библиотеки Узбекской ССР им. А. Навои (1870–1945). Машинопись. – Ташкент, 1945. – 153 с.; Кормилицын А.И. История развития библиотечного дела в дореволюционном Туркестане (1868–1917 гг.): Автореф. на соиск. дисс. кан. ист. наук. – Ташкент, 1969. – 31 с.; Қосимова О.Ф. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1977. – 154 б.; Касимова А.Г. История библиотечного дела в Узбекистане. – Ташкент: “Ўқитувчи”, 1981. – 190 с.; Туропов М.М. Развитие библиографического дела Узбекистане (1852–1970 гг.). – Ташкент: “Фан”, 1983. – 128 с.; Йўлдашева Э. Болалар кутубхонасида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш. – Тошкент, 1983. – 256 б.; Махмудов М.Х. Мактаб ўқитувчиларига кутубхона хизмати кўрсатиш. – Тошкент, 1989. – 47 б.; Абрамов К.И. История библиотечного дела в СССР. – М.: “Книга”, 1980. – 280 с.

мустақиллиги йилларида ёзилган китобларни<sup>26</sup>, тўртинчи гуруҳга кутубхоналарнинг шаклланиш тарихи, босқичлари ва методологиясига оид хорижий адабиётларни киритиш мумкин<sup>27</sup>.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кутубхона иши тарихи ва муаммоларига бағишланган қатор илмий-тадқиқотлар ҳам олиб борилган<sup>28</sup>. Уларда ўрганилаётган даврдаги оммавий ва шахсий кутубхоналар хусусида баъзи маълумотлар ёритилган. Мазкур тадқиқотларда Туркистон ўлкасида очилган айрим кутубхоналар тарихи ўрганилган бўлса-да, бироқ ўлкадаги оммавий, шахсий, махсус кутубхоналар, жамиятлар, ўқув юртлари, темирўл бекатлари қошида фаолият юритган кутубхоналар хусусида тўлиқ маълумот берилмаган.

**“Мустамлака тузуми шароитида Туркистонда кутубхона ишининг йўлга қўйилиши (1870–1899 йиллар)”** деб номланган иккинчи бобда Туркистонда очилган оммавий кутубхоналар, шахсий кутубхоналар, махсус кутубхоналар фаолиятига оид материаллар комплекс таҳлил қилинган.

XIX аср иккинчи ярми–XX аср бошларида Туркистон ўлкасида қизгин ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар кузатилиб, бу даврда ўлка тарихига қизиқувчиларнинг сони ҳам ортиб борди. Бу эса минтақада кутубхоналарга бўлган талабни орттирди.

Ўлка тарихига оид китобларнинг бир жойга йиғилиши ва уларнинг салмоғини ортиб бориши Тошкентда кутубхона ташкил этиш заруратини юзага келтирди.

---

<sup>26</sup> Қосимова О.Ф. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи. Ўқув қўлланма. II қисм. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992. – 191 б.; Кормилицын А.И. Судьбы книг. Библиотеки восточных рукописей на территории Узбекистана с древнейших времен. – Ташкент: “Фан”, 1994. – 168 с.; Қосимова О., Есимов Т. Умумий кутубхонашунослик. – Тошкент: “O‘qituvchi”, 1994. – 269 б.; Йўлдашева Э. Болалар кутубхонасида китобхоналар ўқишига раҳбарлик қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2002. – 87 б.; Йўлдашева Э. Кутубхона ва ёш китобхон. – Тошкент, 2003. – 119 б.; Йўлдошев Э. Кутубхона ва ёш китобхон. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003. – 200 б.; Алимова О. Кутубхонашунослик. – Тошкент: “Ilm-ziyο”, 2007. – 349 б.; V.1.88.; Охунжонов Э.О. Ватан кутубхонашунослиги тарихи. 1-қисм. – Тошкент: “Адолат”, 2004. – 393 б.; шу муаллиф. Кутубхонашунослик, архившунослик, китобшунослик: назарияси ва тарихи. – Тошкент: “Тафаккур-бўстони”, 2011. – 250 б.; Бердиева З.Ш. Кутубхонашунослик. 2-нашр. – Тошкент: “Ilm-ziyο”, 2013. – 399 б.

<sup>27</sup> Pierce R.A. Russian Central Asia. – Cambridge, 1960. – 250 p.; Becker C. Russians protectorates in Central Asia: Bukhara and Khiva, 1865–1926. – Cambridge, 1968. – 219 p.; Morrison A.S. Russian Rule in Samarkand 1868–1910. A Comparison with British India. – Oxford University Press, 2000. – 400 p.; Кюгельген Анке фон. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII–XX вв.). – Алматы, 2004. – 515 с.; Kazimi P.F. Turk xalqlarining kitob va kitobxana madaniyatining manbashunosligi. – Boku: “Mutarcim”, 2014. – 200 s.

<sup>28</sup> Камиллов А.А. Туркистонда миллий масала муаммоларини ҳал этилишида Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг фаолияти: Тар. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1993. – 156 с.; Ахунджанов Э.А. Историко-типологическое исследование истории книги и книжного дела в Туркестане: древность средние века: дис. ...док. истор. наук. – Ташкент, 1998. – 408 с.; Матякубова М.М. XIX асрнинг иккинчи ярми–XX асрнинг бошларида Хива хонлигида китобат ва кутубхона тарихи: Тар. фан. ном. ...дисс. – Урганч, 2008. – 184 б.; Холназарова Л.С. XIX–XX асрнинг бошларида Бухоро китобат ва кутубхоначилик тарихи: Тар. фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 2011. – 156 б.; Шадманова С.Б. Даврий матбуотда Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ахволи масалалари (1870–1917 йй.): Тар. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2011. – 406 б.; Солиева Г.А. Ўзбекистонда китоб савдосининг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш омиллари: Иқтис. фан. бўй. фал. док. (PhD) ...дисс. – Самарқанд, 2018. – 146 б.; Зиёдов Ш. Туркистонда шахсий кутубхоналар тарихидан // Тошкент ислом университети илмий ахборотнома. 2017. – № 3. – Б. 81–93.

1870 йил 21 майда Тошкентда замонавий тартиб-қоидаларга эга кутубхонага асос солинган<sup>29</sup>. У Тошкент оммавий кутубхонаси деб юритила бошланган. ЎзМАда сақланаётган кутубхона тарихига доир ҳужжатлардан маълум бўлишича, кутубхонанинг 400 дан ортиқ китоб ва матбуот нашрлари бўлган<sup>30</sup>. Бу китоблар Россия империяси маъмуриятининг эътиборини торта бошлайди. Биринчи бўлиб Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман (1818–1882) кутубхонани кенгайтириш ва китоблар билан тўлдиришга ҳаракат қилган<sup>31</sup>. Бунда маҳаллий аҳоли вакилларининг шахсий кутубхоналари, Россия империясининг илмий жамиятларидан олиб келинган китоблар ва биринчи ташкил қилинган тошбосма асарлар асосий ўрин эгаллайди. Ҳақиқатнинг охирига келиб, ушбу кутубхонада 1200 номдаги 2200 жилд китоб тўпланган<sup>32</sup>.

Дастлаб кутубхона Тошкентдаги генерал-губернатор девонхонаси ёнидаги бинонинг иккита хонасида жойлашган бўлиб, китобларнинг асосий қисмини Тошкент босиб олинганда маъмурий идоралардан тортиб олинган китоблар (кейинчалик, бу китоблар фон Кауфман буйруғи билан Санкт-Петербург халқ кутубхонасига юборилган) ва Тошкентда ташкил этилган китоб чоп этиш нашриёти манбалари, шунингдек, Россия илмий жамиятларидан келтирилган китобларни ташкил қилган.

Кутубхона очилган кунлардан оқ келиб тушаётган барча китобларни тавсиф қилишни Тошкент оммавий кутубхонасининг биринчи директори Н.В.Дмитровский бошлаб берган<sup>33</sup>. У Тошкент оммавий кутубхонаси (кейинчалик Туркистон Халқ кутубхонаси) фаолияти тарихида муносиб из қолдирган, ўлка тўғрисида яхши билимга эга библиофил (китобсевар) бўлиб, умрининг сўнгги кунларигача кутубхона фаолиятини ўйлаб яшаган<sup>34</sup>.

Кутубхонадаги китобларнинг асосий қисмини рус тилидаги китоблар ташкил қилган. Архив ҳужжатларида қайд этилишича, 1876 йилда кутубхонада француз, немис, испан, поляк тилларида ҳам китоблар мавжуд бўлган<sup>35</sup>.

Кутубхонада жуда кўп соҳаларга оид китоблар, хусусан, ҳарбий ва денгиз илми, география, статистика ва санъатшунослик, тарих ва хронология, кишлок ҳўжалигига доир китоблар ва ҳар хил мазмундаги рисодаларга ажратиш мумкин<sup>36</sup>. Ушбу китоблар турли йилларда кутубхона сақловига келиб тушган, баъзи қисми эса хайрия китоблар ҳисобидан келтирилган.

Бу даврда Туркистондаги мактаб ва педагогик кутубхоналар, ҳарбий қисмларда ҳам кутубхоналар бўлган. Генерал-губернатор фон Кауфманнинг

---

<sup>29</sup> Общественная библиотека / “Туркестанские ведомости”, 21 мая 1870. – №2.

<sup>30</sup> ЎзМА И-1-фонд, 16-рўйхат, 2263-йигмажилд, 29–30-варақлар.

<sup>31</sup> Добросмыслов А. Туркестанская публичная библиотека и музей. Исторический очерк. – Ташкент, 1910. – С. 24.

<sup>32</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1912. – С. 25.

<sup>33</sup> Дмитриевский Н.В. Библиографический указатель сочинений о Средней Азии, напечатанных в России на русском языке. – В кн.: Туркестанский край. Статистический комитет. Ежегодник материалы для статистики Туркестанского края. Вып. III. – СПб, 1874. – С. 67.

<sup>34</sup> Дмитриевский Н.В. Каталог книг русского отделения Туркестанской публичной библиотеки. – СПб, 1875. – С. 446.

<sup>35</sup> ЎзМА И-1-фонд, 16-рўйхат, 2263-йигмажилд, 30-варақ.

<sup>36</sup> Вахабов М. Ташкент в период трех революций. – Ташкент: Гос издат УзССР, 1957. – С. 25.

буйругига биноан доимий равишда 10 дан ортиқ ҳарбийлари бўлган барча алоҳида қисмларда, пиёда қўшин, касалхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмаларда кутубхоналар очилган. Ушбу кутубхоналарнинг асосини ҳарбий соҳа, тиббиёт, техникага доир нашрлар, шунингдек, адабий асарлар, журналлар, хариталар, режалар ва бошқалар ташкил этган.

Кутубхоналарнинг фондларида китоблар сони бирмунча кам бўлган. Масалан, ҳарбий қисм батальонлари энг катта кутубхона ҳисобланган. 11-сонли Туркистон ҳарбий қисм батальонида 652 номдаги 1327 нусха, 12-сонли ҳарбий батальонда 340 номдаги 635 нусха ва 17-сонли Туркистон ҳарбий батальонида 116 номдаги 155 нусха, 19-сонли ҳарбий батальонда 686 номдаги китоб бўлган. Фақат зобитлар ва аскарлар фойдаланиши учун очилган, кутубхонада китоблар ва газеталар доимий сақланган. Бироқ баъзи ҳарбий кутубхоналар қошида алоҳида хусусий ўқув хоналар ташкил қилинган. Бундай кутубхоналар Тошкентда 11 та, Самарқандда 9 та бўлиб, улардан бештаси публик хизмат кўрсатган.

Шу ўринда айтиш жоизки, Туркистонда шарқ қўлёзмаларини тўплаш ва сақлаш гоёсини дастлаб Д.Граменицкий илгари сурган. У Туркистон халқ кутубхонасини фақат шарқ қўлёзмалари сақланадиган кутубхонага айлантириш таклифини киритади, аммо бу режа амалга ошмайди<sup>37</sup>.

Кутубхонадаги шарқ қўлёзмаларининг А.Л.Кун тузган биринчи каталоги жами 57 та рўйхатни қамраб олган. Қўлёзма китобларни тўплаш ишларида унга шарқшунослар Н.Н.Пантусов, С.М.Граменицкий, Е.Ф.Кал, Р.Ростиславов ва бошқалар яқиндан ёрдам беришган.

Ўлка Россия империяси ҳарбийлари томонидан босиб олингандан сўнг қўлёзмаларни жамлаш билан Туркистон халқ кутубхонаси ва илмий жамиятлар томонидан кўпгина ишлар қилинган<sup>38</sup>.

1889 йилда шарқшунос Е.Ф.Калнинг шахсий ташаббуси билан, халқ кутубхонасининг шарқ қўлёзмаларини илмий жиҳатдан тавсифлаб чиқиш тугалланди. Тавсифлаш вақтида Ч.Ренинг машҳур европача каталоглаштириш методидан фойдаланди. Е.Ф.Калнинг каталоги ўзида 126 та номдаги 87 жилд қўлёзмани ташкил этиб<sup>39</sup>, бу эса Туркистон халқ кутубхонасида сақланган қўлёзмалар тўғрисидаги тасаввурларни анча бойитарди. Каталогдаги қўлёзмалар асосан Туркистон, Эрон, Ҳиндистон ва қўшни давлатлар тарихига доир китоблардан иборат бўлиб, шундан 78 таси форсча (тожикча), 19 таси арабча ва 29 таси туркий (ўзбек) тилидаги китоблар эди<sup>40</sup>.

Туркистон халқ кутубхонасининг коллекцияси эски ўзбек тилидаги адабиётларга анча бой бўлиб, ўрта асрлар ва энг янги тарихига оид жуда кўп қимматли китоблар сақланган. Кутубхона директори Н.В.Дмитровскийнинг

---

<sup>37</sup> Граменицкий Д.М. Заметки о Ташкентской публичной библиотеке / “Туркестанские ведомости”, 1875. – №20.

<sup>38</sup> Умаров А.О. Мутолаа маданияти: Шаҳс жамият тараққиёти. – Тошкент: “Фан”, 2004. – Б. 194.

<sup>39</sup> Кормилицин А., Расулов М., Давлатов С. Кутубхонашунослик ишининг назарияси ва тарихи. – Тошкент: “O’zgeokadastr”, 2003. – Б. 67.

<sup>40</sup> Лахтин С.И. Каталог книг иностранного отделения Туркестанской публичной библиотеки. – Ташкент, 1891. – С. 15.

1895 йилги маълумотларига қараганда, 90 га яқин қўлёзма, Али ибн Жалол ал-Исломнинг “Темур тарихи” (хижрий 801 йилгача), Муҳаммад Вафо Карминагийннинг 1134 йилдан 1170 йилгача бўлган Мовароуннахр тарихи ва бошқа китоблар бўлган<sup>41</sup>. Қўлёзмалар ичида Абулгози Баходирхоннинг “Шажараи турк”, Ҳожи Муҳаммад Ҳақимхон Тўранинг “Солномадан парчалар” номли китоблари диққатга сазовордир.

Кутубхона фондининг кенгайишида маҳаллий аҳоли вакилларининг шахсий кутубхона фондлари муҳим роль ўйнади. 1898 йилда андижонлик Муҳаммад Али Собир ўгли (Дукчи Эшон)нинг шахсий кутубхонасидан мусодара қилинган 194 нусха қўлёзма китоб муҳим аҳамиятга эга бўлди. В.В.Бартольд бу китоблар 1880 йилдан кейин келиб тушган жиддий қўшимча деб, ҳисоблаган<sup>42</sup>. Унинг изланишларига кўра, Туркистон халқ кутубхонасида генерал Жўрабекнинг қўлёзмалар тўпламидан Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” китоблари ҳам бўлган<sup>43</sup>. Ажойиб миниатюралар билан безатилган китоблар жуда қимматли бўлишига қарамай, кўп қисми маҳаллий аҳолидан сотиб олинган. Сотиб олишда эса жуда кам ҳақ тўланган.

Кутубхона ҳар йил бошида газнадан молиялаштирилиб турилган. Кутубхона директори В.В.Чуйконинг йиллик ҳисоботиغا кўра, 1881 йил 4 февралда Тошкент оммавий кутубхонаси учун биринчи ва иккинчи ярим йилликка жами 900 рубль берилган<sup>44</sup>. Маблағ кутубхона коллегиял маслаҳатчиси қабул қилиб олган ва олганлигини тасдиқловчи имзо қўйиб ажратилган. Мазкур маблағлардан кутубхона ходимлари учун ойликмаошлар ҳам харжланган.

Тошкент оммавий кутубхонаси фаолияти бир текис кетмаган. Туркистоннинг янги генерал-губернатори М.Г.Черняев буйруғига мувофиқ кутубхона 1882 йилдан 1884 йилгача фаолият юритмади<sup>45</sup>. 1884 йилда янги генерал-губернатор этиб тайинланган Н.О.Розенбах (1836–1901 йй.) кутубхона фаолиятини қайта тиклаб, олдинги ҳолатига қайтаришга эришади. У Тошкент оммавий кутубхонаси ва ўлкадаги бошқа муассасалар қошидаги кутубхоналарни бошқариш мақсадида кутубхоналар “Кузатув қўмитаси”ни тузади<sup>46</sup>. Кутубхона фаолиятида мазкур қўмита ижобий роль ўйнади. Китобларнинг библиографиясини тузиш ва уларни сақлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Кутубхона фаолияти қайта ташкил этилгандан сўнг Туркистон генерал-губернатори буйруғига кўра Зарафшон округидан қадимий қўлёзмалар Тошкент

---

<sup>41</sup> Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Т. I. – Ташкент, 1952. – С. 6.

<sup>42</sup> Бартольд В.В. Туркестанская государственная библиотека и местная мусульманская печать // Записки коллегии востоковедов. Т. I. – Ленинград, 1925. – С. 87.

<sup>43</sup> Бартольд В.В. Отчёт о командировке в Туркестан. – Ташкент, 1909. – С. 278.

<sup>44</sup> ЎзМА И-1-фонд, 11-рўйхат, 194-йигмажилд, 1-варақ.

<sup>45</sup> Труды государственной публичной библиотеки УзССР. Т. I. Юбилейный 1870–1935. – Ташкент: “Фан”, 1935. – С. 27.

<sup>46</sup> Добросмыслов А. Туркестанская публичная библиотека и музей. Исторический очерк. – Ташкент, 1910. – С. 11.

оммавий кутубхонасига келтирилган. Кутубхонада шарқ қўлёмалари бўлими ташкил қилиниб, китоблар шу ерда тўпланган<sup>47</sup>.

Туркистон оммавий кутубхонасига империянинг марказий шаҳарларида жойлашган таълим муассасалари ҳам мунтазам равишда китоблар жўнатиб турган. Хусусан, 1884 йил 18 сентябрда Санкт-Петербург университети томонидан 8 та<sup>48</sup>, 6 октябрда Москвадаги Лазаревский номидаги шарқ тиллари университети 17 та номдаги янги чоп этилган китоблар жўнатган<sup>49</sup>. Айнан шу йили Пётр номидаги деҳқончилик ва ўрмончилик академияси Туркистон оммавий кутубхонасини ўз нашрлари текинга жўнатиладиган муассасалар рўйхатига киритилганлигини маълум қилиб, ҳозирга қадар чоп этган “Хабарномалари”нинг 19 та нашрини юборган<sup>50</sup>.

1887 йил 13 январдан кутубхона номидаги Тошкент сўзи Туркистон сўзи билан алмаштирилиб “Туркистон оммавий кутубхонаси” деб ўзгартирилади. Бу ном 1906 йил 26 августгача, яъни ўлканинг янги генерал-губернатори Д.И.Субботич (1852–1920) давригача сақланиб қолади. 1906 йилдан 1917 йилгача эса “Туркистон халқ кутубхонаси” деган ном билан фаолият олиб борган<sup>51</sup>.

XIX асрнинг 70-80-йилларида Самарқанд шаҳрининг янги қисми вужудга келиб, бу ерда ҳарбий мустамлакачилик маъмурияти жойлашади. Янги шаҳарда кутубхона ва шу каби маданий-оқартув муассасалари пайдо бўла бошлади<sup>52</sup>.

Туркистон генерал-губернаторининг 1897 йил 10 майдаги 3150-сонли хатига асосан Етгисув (Семиречье) вилоятининг Лепсинск шаҳрида умумий кутубхона ва ўқув хонаси очилади<sup>53</sup>. Шу билан бирга, шаҳарда китоб дўкони ва шахсий кутубхона ўқув хоналари ҳам иш бошлайди.

Омск шаҳрида оммавий кутубхона Акмола вилояти ҳарбий губернатори, генерал М.А.Левинцовнинг 1897 йил “Омск шаҳар кутубхонаси тўғрисида”ги 1840-сонли буйругига асосан очилган. 1897 йил 2 сентябрда кутубхонанинг низоми ишлаб чиқилган<sup>54</sup>.

Сирдарё вилояти Казала шаҳар оммавий кутубхонаси 1899 йил 28 октябрда очилиб, кейинроқ–1900 йил 15 сентябрда “Казала оммавий кутубхонаси тўғрисида”ги низом ишлаб чиқилган<sup>55</sup>.

Туркистон генерал-губернаторининг 1899 йил 18 декабрдаги буйругига асосан Амударё кутубхонаси очилиб, унинг вақтинчалик низоми қабул қилинди. Кутубхонанинг Ўрта Осиё темир йўлларида қарашли Фароб бекатида филиали бўлиб, у ерда ўқув хонаси жойлашган эди<sup>56</sup>.

---

<sup>47</sup> ЎзМА И-5-фонд, 1-рўйхат, 1370-йиғмажилд, 1-варақ.

<sup>48</sup> ЎзМА И-1-фонд, 15-рўйхат, 251-йиғмажилд, 182–183-варақлар.

<sup>49</sup> Ўша ерда, 177–179-варақлар.

<sup>50</sup> ЎзМА И-1-фонд, 15-рўйхат, 251-йиғмажилд, 186-варақ.

<sup>51</sup> Қулдашев М.М. Туркистон ўлкаси ҳуқуқининг манбалари (1864–1917 йй.): Юрид. фан. ном. ...дисс. – Самарқанд, 2005. – Б. 14.

<sup>52</sup> Самарқанд тарихи. Т. 2. – Тошкент: “Фан”, 1971. – Б. 18.

<sup>53</sup> ЎзМА И-1-фонд, 12-рўйхат, 1865-йиғмажилд, 9-варақ.

<sup>54</sup> ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 15769-йиғмажилд, 8-варақ.

<sup>55</sup> ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 16630-йиғмажилд, 3-варақ.

<sup>56</sup> ЎзМА И-1-фонд, 12-рўйхат, 70-йиғмажилд, 2-варақ.

ЎзМАда Фаргона вилояти бошқармасининг “Вилоят, шаҳар марказларида оммавий кутубхона ва ўқув хоналарини очиш тўғрисида”ги 1898 йилга тегишли 421-сонли архив йиғмажилди мавжуд<sup>57</sup>. Ундаги ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, 1898 йилда Ўшда оммавий кутубхона ва ўқув хонаси очилган<sup>58</sup>. Янги Маргилон шаҳар оммавий кутубхонаси 1899 йил 14 январда Фаргона вилоят ҳарбий губернаторининг қарорига мувофиқ ташкил қилинган<sup>59</sup>.

Бу даврда илмий жамият кутубхоналари фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, Туркистон илмий жамиятлари киска фурсат ичида ўлкани ўрганишда марказий ўринни эгаллай бошлади. Илмий жамиятлар кутубхоналари асосан аъзолардан олинган илмий мазмундаги китоблардан ташкил топган бўлиб, бу китоблар орқали одамлар маҳаллий аҳоли маданияти, урф-одатлари ва анъаналари, шунингдек, маданий ютуқ намуналаридан хабардор бўлишган.

Ўлкада таълим муассалари кутубхоналари ҳам алоҳида ўрин тутган. Мактаблар, гимназиялар, коллежлар ва ўқитувчилар семинарияларида ҳам кутубхоналар ташкил этила бошланган. Аммо уларнинг китоб фондлари жуда кам, чунки китоблар, ўқув қўлланмаларни олиш қийин эди. Гарчи Тошкентда дарсликлар сотилувчи китоб дўконлари мавжуд бўлса-да, ҳар доим ҳам ўқув муассасаларига китоблар ва ўқув қўлланмалар етказиб берилмаганди, адабиётларнинг асосий қисми Россиядан келтирилган ва бу анча кўп харажатни талаб қилган.

Тошкентдаги халқ таълими идораси қошидаги кичик педагогик музей кутубхонасида дарсликлар ва қўлланмалар бўлими, илмий-педагогик ҳамда оммавий бўлим, даврий матбуот нашрлари бўлими ва болалар адабиёти бўлими (барча ёшдагилар учун) фаолият юритган. Кутубхонада янгиликлар бюроси ташкил этилиб, кўрсатилган бўлимлар учун библиография ва доимий равишда китоб янгиликлари кўرғазмаси, шунингдек, ўқув зали ҳам мавжуд бўлган.

Архив ҳужжатларида келтирилишича, Тошкентда козикалон Муҳитдин Хўжа катта кутубхонага эга бўлган. У рус тилини яхши билган, бир қатор илмий жамиятлар аъзоси, кўпгина русийзабон олимлар билан яхши муносабатда бўлган. Унинг кутубхонасида ат-Табарийнинг жаҳон тарихига оид асари, Саъдий Шерозийнинг “Бўстон” ва “Гулистон” назм девони, Шарафиддин Али Яздийнинг ажойиб миниатюралар билан безатилган “Зафарнома”си сингари ноёб қўлёзмалар сақланган<sup>60</sup>. Шу жумладан, ҳужжатлар, асосан вақф, иршодий, насаб шажаралари, қозиликка, ер-мулк, солиқ, айрим мадрасаларга вақф қилиб берилган мулкларга оид бўлган хон, амирларнинг махсус муҳрланган ёрлиқлари, кўрсатмалари ўрин олган.

Диссертациянинг учинчи боби **“XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги кутубхоналар фаолияти”** деб номланган бўлиб, минтақадаги вилоят, шаҳар кутубхоналарининг очилиши, уларда сақланган ноёб қўлёзмалар ва китоблар хусусидаги маълумотлар архив ҳужжатлари, илмий адабиётлар

---

<sup>57</sup> ЎзМА И-19-фонд, 1-рўйхат, 1167-йиғмажилд, 15-варақ.

<sup>58</sup> ЎзМА И-1-фонд, 13-рўйхат, 102-йиғмажилд, 4-варақ.

<sup>59</sup> ЎзМА И-1-фонд, 13-рўйхат, 102-йиғмажилд, 2-4-варақлар.

<sup>60</sup> Қаранг: “Туркестанские ведомости”, 1902. – №43.

хамда даврий матбуот материаллари тахлили асосида тадқиқ этилган.

Хусусан, 1900 йилда янги бир кутубхона Пржевальск шаҳрида очилади. Бу кутубхонага ҳам бошқа кутубхоналар сингари ўз низомини ишлаб чиқиш ва ҳарбий губернаторга тақдим этиш вазифаси қўйилади. Ушбу вазифадан келиб чиқиб, 1901 йил 15 майда “Пржевальск шаҳар кутубхонаси тўғрисида”ги низом тасдиқланади<sup>61</sup> ва жаҳон адабиётининг нодир нашрлари сақланган ўқув хонаси иш бошлайди.

Туркистонда оммавий ва илмий жамият кутубхоналари билан бир қаторда, олиму уламолар, нуфузли кишиларнинг шахсий кутубхоналари, Тошкент қозикалонларига тегишли кутубхоналар ҳам мавжуд бўлган. 1898 йилда мустамлака маъмуриятига қарши Андижон қўзғолонининг ташкилотчиси Дукчи Эшон номи билан машҳур Муҳаммад Али Собиров ўғлига тегиши шахсий кутубхона, Шаҳрисабз генерали Жўрабекнинг қўлғамалар сақланган шахсий кутубхонаси, Тошкентда қозикалон Муҳитдин Хўжа ва бошқаларнинг шахсий кутубхоналари шулар жумласидандир.

XX аср бошларида ўлкадаги энг катта кутубхоналар Исҳоқхон Жунайдуллохўжа ўғли Ибрат Тўрақўргонийнинг “Кутубхонаи Исҳоқия” ва Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Бехбудия кутубхонаси” бўлиб, уларнинг фаркли жиҳати маҳаллий аҳолига китоб бериш ва олиш тартиби ҳам мавжуд бўлган.

Юқоридаги шахсий кутубхоналар баъзиларининг тақдири номаълум. Масалан, 1898 йилда Муҳаммад Али Собиров ўғлининг хусусий кутубхонаси “Туркистон археология ишқибозлари тўғраги” фондига келиб тушган<sup>62</sup>.

Ўлкадаги шахсий кутубхоналар қаттиқ назорат остида бўлиб; баъзан эса узок муддат фаолият юритмасдан гоҳ ёпилиб, гоҳ очилиб турган.

Шарқшунос А.А.Семёновнинг маҳаллий аҳоли вакилларининг шахсий кутубхоналари тарихи тўғрисида ёзишича, “шахсий кутубхоналарнинг тақдири умуман ачинарли ҳолда бўлиб, китоб ихлосманди вафот этса, унинг мулки шариатга мувофиқ унинг ворислари ўртасида тақсимланарди”<sup>63</sup>.

Бу даврда кутубхона Қўқон шаҳрида ҳам ташкил этилган бўлиб, шаҳар бошлигининг 1900 йил 24 октябрда Фаргона вилояти губернаторига йўллаган 520-сонли мактубида ўша йили шаҳарда кутубхона очилганлиги, шунингдек, кутубхонадан фойдаланиш тартиб-қоидалари ва низоми ишлаб чиқилганлиги батафсил маълум қилинган<sup>64</sup>. 1907 йилда Қўқон оммавий кутубхонасидан бепул фойдаланиш тўғрисида низом ишлаб чиқилган ва кутубхона иккита бўлимга бўлинган. Биринчиси бепул хизмат кўрсатувчи ўқув хонаси, иккинчиси пуллик хизмат кўрсатиш бўлимларидан иборат бўлган<sup>65</sup>. Бу пайтда кутубхонанинг 1200 нусхага яқин китоб фонди мавжуд бўлган.

1901 йил 26 январда вилоят ҳарбий губернаторига шу мазмундаги

---

<sup>61</sup> ЎзМА И-1-фонд, 13-рўйхат, 112-йиғмажилд, 25-варақ.

<sup>62</sup> Отабек ўғли Ф. Дукчи Эшон воқеаси. – Тошкент: “Чўлпон”, 1992. – Б. 75.

<sup>63</sup> Семёнов А.А. Среднеазиатские рукописные фонды и важность их изучения // Материалы I Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте. – Ташкент, 1958. – С. 914.

<sup>64</sup> ЎзМА И-19-фонд, 1-рўйхат, 1167-йиғмажилд, 17-варақ.

<sup>65</sup> ЎзМА И-19-фонд, 1-рўйхат, 28789-йиғмажилд, 56-варақ.

билдириш Наманган уезди бошлиги номидан ҳам келган. Унда Наманган оммавий кутубхонаси очилганлиги ва кутубхона протоколи нусхаси такдим этилаётганлиги маълум қилинган<sup>66</sup>.

Россияда ҳукуматга қарши галаён авж олган йилларда Самарқанд ишчилар ва солдатларнинг маданий, сиёсий савиясини ошириш мақсадида социал-демократик ташкилот аъзолари 1905 йил 24 февралда Самарқанд жамоат кутубхонаси ва ўқув хонасини очдилар. Бу кутубхона ўша пайтдаги Зирабулоқ ва Черняев кўчаларининг кесишадиган чорраҳасида жойлашган, аҳолининг барча қатламлари, айниқса ишчилар ўртасида катта обрў қозонган. Бу ерда жуда кўп адабиётлар сақланган. Кечки пайтда, кутубхона ёпилгандан кейин унинг биносида кўпинча йиғилишлар, тўгарак машғулотлари бўлиб турар эди. Аммо мазкур кутубхона Туркистон генерал-губернаторининг илтимосига кўра империя ички ишлар вазирининг 1906 йил 5 февралда чиқарган буйруғи билан ёпиб қўйилган<sup>67</sup>.

Самарқанд шаҳар оммавий кутубхонаси (ҳозирги кундаги Самарқанд вилоят илмий кутубхонаси) 1909 йилда ташкил этилиб, кутубхонанинг асосчиларидан бири археолог В.Вяткин, биринчи бошлиги В.Андреев бўлган<sup>68</sup> Кутубхонада китоб сақлаш, қўлёзмаларга ишлов бериш, китобхонларга хизмат кўрсатиш, даврий матбуот, маълумот-библиография, техника, кишлоқ хўжалиги адабиётлари, оилавий ўқув хонаси, санъат, хорижий адабиётлар, илмий методик, каталог, картотекалар, ўлкашуносликка доир адабиётлар бўлимлари ва ҳукуқий ахборот марказлари мавжуд бўлган. 1911 йилда кутубхонада 2 минг нусхага яқин китоб сақланган.

1905 йил 26 апрелда Ўрта Осиё темир йўлларининг Черняев бекатида темир йўл хизматчилари учун кутубхона очилади. Кутубхона низоми Самарқанд ҳарбий губернатори генерал-майор С.Д.Гескет томонидан 1906 йил 23 майда тасдиқланади. Низом 34 банддан иборат бўлиб, кутубхона фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат саналган<sup>69</sup>.

1907 йилда Фаргона вилояти ҳарбий губернаторининг буйруғига асосан Скобелев шаҳрида кутубхона очилган. 1908 йил 18 ноябрда Скобелев оммавий кутубхонасининг 144-сонли протоколи ишлаб чиқилади ва кутубхонанинг фаолияти тартибга солиниб, у расмий фаолият юритувчи муассасага айланади.

1907 йилда Сирдарё вилоятининг Амударё уездида Петро-Александровск кутубхонаси ташкил қилинади. Ўша йилнинг 28 мартада 25 банддан иборат кутубхона низоми муҳокама қилинади ва тасдиқланади<sup>70</sup>.

Ўлкада темирйўл кутубхоналар анча тармоқ отган. 1907 йил 2 сентябрда Тошкент темир йўллар бошлигининг 31 банддан иборат “Тошкент темир йўллар ходимлари кутубхонасининг низоми” ишлаб чиқилади ва тасдиқланади<sup>71</sup>.

---

<sup>66</sup> ЎзМА И-19-фонд, 1-рўйхат, 1167-йиғмажилд, 1-варақ.

<sup>67</sup> Самарқанд тарихи. Т. 2. – Тошкент: “Фан”, 1971. – Б. 322.

<sup>68</sup> ЎзМА И-18-фонд, 1-рўйхат, 8255-йиғмажилд, 9-варақ.

<sup>69</sup> ЎзМА И-18-фонд, 1-рўйхат, 8097-йиғмажилд, 15-варақ.

<sup>70</sup> ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 16258-йиғмажилд, 7-варақ.

<sup>71</sup> ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 16630-йиғмажилд, 7-10-варақлар.

Мазкур низомга мувофиқ темирйўл бекатларида ҳам кутубхоналар очилган.

Сирдарё вилояти генерал-губернатори генерал-лейтенант М.Я.Романов томонидан 1907 йил 19 декабрда Авлиёта шаҳар кутубхонаси низоми тасдиқланади. Низом 29 банддан иборат бўлган<sup>72</sup>.

1907 йил 12 сентябрда Самарқандда маҳаллий мусулмонлар кутубхонаси очилган. Кутубхонада 200 нусха илмий-тарихий китоблар бўлиб, хусусан, Куръони Каримга шарҳлар ва 15 нусхадаги газета-журналлар бўлган. Китоблар ва газеталар асосан араб, форс ва рус тилларида эди. Кутубхона хизматларидан Арабистон ярим ороли шаҳарлари, Ислом динининг марказлари саналган Макка ва Мадинадан, Истанбул, Санкт-Петербург, Москва каби 15 га яқин жаҳоннинг энг бой кутубхоналаридан олимлар келиб фойдаланган. Бу кутубхонани ташкил этишнинг ташаббускори ва бошлиги Маҳмудхўжа Бехбудий, кутубхона ходими, котиб Абдухоликов бўлган.

ЎзМАда библиограф Н.А.Буровнинг Р-2752 рақамли шахсий фондида Ўратепада шаҳар оммавий кутубхонасининг ташкил этилишига оид ҳужжатлар мавжуд бўлиб, кутубхона 1907 йилда маҳаллий жамиятнинг китоб мутолаа килишга ва шахсий кутубхоналар ташкил этишга мойиллиги бўлган вакиллари–зиёли кишилар орасида пайдо бўлади<sup>73</sup>. Бироқ бу иш кўп йиллар давомида орта сурилиб келган. Фақат 1909 йилда маҳаллий полиция ходими Н.Арцишевский томонидан Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторига Ўратепада оммавий кутубхона ва унинг ўқув залини ташкил килишга рухсат сўраб мактуб йўллагач, ўша йилнинг баҳорида унга кутубхона очишга рухсат берилган<sup>74</sup>.

Шу тариқа 1909 йилнинг август ойида Ўратепа шаҳар оммавий кутубхонаси очилиб, дастлаб кутубхона учун кичикроқ бино берилади. Кутубхонани таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 100 рубль, газета-журналлар ва китоблар сотиб олиш учун ҳам 100 рубль ажратилган<sup>75</sup>. Албатта, кутубхона фаолиятини йўлга қўйиш учун бу етарли эмас, бундан бошқа маблағ эса йўқ эди. Шунинг учун маҳаллий аҳоли томонидан кутубхона харажатлари учун маблағ тўплаб берилган.

Самарқанд вилояти ҳарбий-губернаторининг 1910 йил майдаги буйруғига мувофиқ Жиззах шаҳар оммавий кутубхонаси очилган<sup>76</sup>.

Кутубхонани очишда уезд бошлиги ва Жиззах шаҳар депутатлари кенгаши халқ маслаҳатчиси Мулла Юсуф Абдуллабоев жонбозлик кўрсатади. 1911 йилда кутубхонанинг йиллик харажатлар тақсимооти ишлаб чиқилади ва кутубхона ҳисобига 200 рубль ажратилади. Бу маблағ кутубхонанинг фаолиятини юритиш ва фондларини бойитишга ишлатилган.

Тошкентда яна маҳаллий мусулмонлар кутубхоналари ҳам бўлган. “Туркестанские ведомости” газетасининг 1913 йилдаги сонида Тошкентдаги

---

<sup>72</sup> ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 21657-йиғмажилд, 45-варақ.

<sup>73</sup> Мухтаров А. Политическая история Ура-Тюбинского владения в первой половине XIX в. // Известия отд. обществен. наук АН Тадж. ССР. Вып. 1. – 1957. – С. 791-124.

<sup>74</sup> ЎзМА И-18-фонд, 1-рўйхат, 8209-йиғмажилд, 15-варақ.

<sup>75</sup> ЎзМА И-18-фонд, 1-рўйхат, 8209-йиғмажилд, 16-варақ.

<sup>76</sup> ЎзМА И-18-фонд, 1-рўйхат, 8322-йиғмажилд, 2-варақ.

мусулмон кутубхонаси тўғрисида маълумот берилади: “1912 йилда бир гуруҳ Тошкент мусулмонлари кироатхона низомини тасдиқлаш учун ҳокимият органларига тақдим этдилар; низом тасдиқланди, бироқ шаҳар Кенгаши бу кироатхона фаолияти учун ҳокимиятга жавобгар бўладиган шахс бўлиши кераклигини талаб қилди. Маҳаллий савдогар Қосим Тюменов бу масъулиятни ўз зиммасига олишга ваъда берди ва маъмуриятдан ижобий жавоб келди. Кутубхона-кироатхонасининг очилиши эса муддатсиз кечиктирилди. 1913 йилда Домулла Олимжон мусулмонларга ўзининг 50 йил давомида тўпланган ва жуда кўп қимматли китобларини ўз ичига олган шахсий кутубхонасини совға қилди”<sup>77</sup>. Бу кутубхона фаолияти узоққа чўзилмай, ўша йилнинг кузига келиб маъмурият аралашуви билан ёпилиб кетди.

Тошкентда кейинги мусулмон кутубхонаси анча вақтлардан кейин очилди. Бу тўғрисида ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий “Бизнинг Тошкентда биринчи мартда очилган кироатхона 1918 йилнинг декабрінда бир-икки йигитларнинг гайрати ила “Турон” жамиятининг Ориф Клеблеев номига очилган кироатхонаси бўлди”, деб ёзган. Унинг китоб фондларидаги китоблар сони 400 нусхани ташкил қилган. Ушбу асарларнинг аксарияти эски ўзбек ёзуви, араб ва лотин ёзувларида бўлган<sup>78</sup>.

Мустамлакачилик шароитида ўлкада кутубхона иши тўхтаб қолмаган. 1917 йилда Туркистон ўлкасининг 22 та шаҳрида оммавий кутубхона ва 120 мингдан зиёд китоб мавжуд бўлган.

## ХУЛОСА

1870–1917 йилларда Туркистонда кутубхона иши тарихи мавзуси бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги **хулосалар**га келинди:

1. Ўлка халқлари маънавий ҳаётида китоб ва кутубхоналарнинг ўрни ва тарбиявий аҳамияти бекиёс бўлиб, аҳоли ижтимоий-сиёсий ҳаётида нафақат маълумот манбаи, балки, гоёвий коммуникатив аҳамияти юқори бўлиб келди. Туркистонда 1870 йилда биринчи замонавий кутубхона–Тошкент оммавий кутубхонасига асос солиниб, унда дастлаб маҳаллий қўлёзмалар ва рус, инглиз, француз, немис ва поляк тилларидаги босма китоблар ҳам сақланган. Тошкент оммавий кутубхонаси минтақадаги биринчи илмий-жамоат муассасаси эди. Аммо дастлаб Россиянинг кўплаб губерния кутубхоналаридан бири сифатида фаолият бошлади. Кутубхона жуда кам маблағ эвазига ташкил қилинган, генерал-губернатор девонхонасига бўйсунган ва у томонидан бошқарилган. Туркистон генерал-губернатори девонхонаси биносида жойлашган кутубхона гоҳ ёпилиб, гоҳ очилиб турган (1882 йилдан 1884 йилгача кутубхона фаолият юритмаган).

2. 1884 йилдан Зарафшон округидан қадимий қўлёзмалар Тошкент оммавий кутубхонасига келтирилган. Кутубхонада шарқ қўлёзмалари бўлими ташкил қилиниб, китоблар шу ерга тўпланган. Кутубхонада генерал-губернатор

---

<sup>77</sup> “Туркестанские ведомости”, 1913. – №24.

<sup>78</sup> Қаранг: Қодирий Абдулла. Диёри бақр. – Тошкент: “Info Capital Group”, 2017. – Б. 109.

Н.О.Розенбахнинг буйруги билан “Кузатув кўмитаси” ташкил қилинади. Унинг вазифаси асосан кутубхонадаги китобларни мазмуни тўғрисида генерал-губернатор маҳкамасига маълумот бериш ва китоблар библиографиясини тузишдан иборат бўлган. Кутубхонада жамланган ноёб нашрлар, айниқса, Ўрта Осиё хусусан, Туркистон ўлкаси тарихига оид асарлар ва мақолалар тўплами кутубхона фондидаги ажойиб тўплам эди. Кутубхонада дастлабки 30 йил ичида 20000 китоб мавжуд бўлган бўлса, кейинги 6-7 йилликда унинг фонди 57800 нусхага бойиган. 1917 йилга келиб унинг фондларида китоблар сони 70000 дан ортиқни ташкил қилган.

3. Кутубхонада Ўрта Осиёга оид жуда кўп китоблар сақланган бўлиб, улар орасида, айниқса, “Туркистон тўплами” муҳим манба ҳисобланади. Тўпламни машҳур библиограф В.И.Межов 1887 йилгача мунтазам тузиб боради. Тўплам 20 йиллик танаффусдан сўнг 1907 йилда библиографлар Н.В.Дмитровский, А.А.Семёнов, Е.К.Бетгер томонидан давом эттирилиб, 1920 йилда 416 томини тайёрлаб 3 марта алифбо ва системали кўрсаткичлар билан нашр эттирилган.

4. Тошкентга ўлка вилоятларидан жуда кўп китоблар олиб келинган ва улар қисқа вақт ичида кутубхонани бойитган. Бироқ, бу вақтга келиб вилоятларда газета, журналлар билан бир қаторда китоб нашр этиш фаолияти йўлга қўйилганлиги боис барча нашрларни Тошкентга олиб келиб сақлашнинг имкони йўқ эди. Шунини инобатга олиб вилоятларда ҳам кутубхоналар очишга ҳаракатлар кузатилди. Маҳаллий кутубхоналар очиш дастлаб ўлканинг Фарғона вилоятдаги Ўш, Янги Маргилон (1907 йилдан Скобелев), Қўқон ва Наманган каби шаҳарларидан бошланган.

5. Ўлка вилоятларида, жумладан, Сирдарё вилоятининг Авлиёота, Казала, Перовск, Тошкент, Чимкент шаҳарлари ва Амударё бўлимларида, Самарқанд вилоятининг Жиззах, Самарқанд, Ўратепа шаҳарларида ҳам оммавий кутубхоналари ва бир қатор шахсий кутубхоналар, ўқув юртлири ҳамда махсус кутубхоналар ташкил этилган.

6. Вилоятларда ташкил қилинаётган кутубхоналар шаҳар оммавий кутубхоналари деб юритилган. Бундай кутубхоналарнинг пулли ва бепул фойдаланиш тўғрисида низомлари ишлаб чиқилиб, вилоят ҳарбий губернатори ёки шаҳар бошлиғи томонидан тасдиқланган. Низомларга мувофиқ кутубхоналарни бошқариш мақсадида ҳар бир кутубхонада “Кутубхона кўмитаси” тузилган. Кўмита таркибига 3 нафар шаҳар депутати ва 4 нафар библиографлар киритилган бўлиб, кўмита аъзолари 3 йилга сайланган. Кўмитанинг асосий вазифаси вилоятда кутубхона ишини ташкил қилиш, янги кутубхоналар очиш, тугатиш, китоблар билан жамлаш ва ўқув хоналарини очиш каби вазифаларни назорат қилган.

7. Туркистон ўлкасида барча муассасалар, шу жумладан кутубхоналар (шахсий кутубхоналар бундан мустасно) империя Молия вазирлигига қарашли Тошкентдаги Туркистон газна палатаси маблағларидан молиялаштирилган. Лекин ўрганилаётган даврда бу маблағлар миқдори Россиянинг марказий шаҳарларидаги кутубхоналарга ажратилган миқдордан анча кам бўлганлиги боис, маҳаллий аҳоли сон бошига ҳисоблаганда ўлкадаги кутубхоналарнинг

китоб фондлари ҳам қуйи даражада бўлган.

8. XX аср бошларида таникли маърифатпарварлардан Исҳоқхон Жунайдуллоҳўжа ўғли Ибрат Тўрақўргоний ва Маҳмудхўжа Бехбудий миллий кутубхона, китобхонлик ишларининг илк ташкилотчи ва тарғиботчилари бўлишган. Улар асос солган “Кутубхонаи Исҳоқия” фонди ҳамда “Бехбудия кутубхонаси” китобхонлар билан ишлашда ўз тартиб-қоидаларига эга бўлган.

9. Ўрганилаётган даврда мавжуд бўлган шахсий кутубхоналар тўғрисида маълумот олиш учун, ўша вақтларга тегишли архив ҳужжатларига бир хил туширилган муҳрлар ва имзоларга мурожаат қилинди. Мазкур янги метод асосида Тошкент шаҳрида ҳам шахсий кутубхоналар кўп бўлганлиги аниқланди. 1869–1892 йилларда Тошкент шаҳрининг қозикалони бўлган Муҳаммад Муҳиддинхожанинг кутубхонасидаги китоблар ва ҳужжатлар тадқиқ этилди. Бу кутубхона 1863 йилда Қўқон тахтига ўтирган Султон Сайидхон (1863–1865) томонидан Тошкент шаҳар қозикалони мансабига тайинланган ва 1865 йилда Тошкент империя ҳарбийлари тарафидан ишғол қилинган ҳам ўз мансабида қолган Ҳакимхожа Эшон ибн Норхожа, яъни Муҳаммад Муҳиддинхожанинг отаси томонидан мерос қолган. Унинг кутубхонасидаги ҳужжатлардаги муҳрларга қараганда, 1865 йилга қадар Тошкент шаҳар қозилик лавозимида фаолият юритган тошкентлик Шайхонтоҳур авлодларига оид кутубхона, 1887 йилдаги архив ҳужжатларига кўра Тошкент шаҳрининг тўрт даҳаси қозилари Шайхонтоҳур даҳаси қозиси Шарифхोजи, Бешёғоч даҳаси қозиси Одилхोजи, Себзор даҳаси қозиси Муҳаммадхожи ва Қўқча даҳаси қозиси Абдуллажонбойларга тегишли кутубхоналар бўлганлиги аниқланган.

10. Кутубхоналарда қўлёзмалар, нодир нашрлар ва китоблар фондининг дастлаб тўпланишида русийзабон олимлар ва маҳаллий зиёлилар алоҳида эътиборга молик ишларни амалга оширишган. Ўрта Осиё аҳолисининг ёзма ёдгорликлари, маънавий бойликларини ўрганган рус шарқшунос олимлари, саёҳатчиларининг қўлёзма ҳамда босма асарлари кутубхона фондидаги ноёб манбаларига айланди. Мазкур кутубхоналар бугунги кунда Тошкентда фаолият юритаётган Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва унинг тизимидаги ахборот-кутубхона марказларининг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилган.

Олиб борилган тадқиқот хулосалари асосида қуйидаги **таклиф** ва **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

аждоларимиз томонидан яратилган, аммо йўқолиб бораётган ёхуд чет эл кутубхоналарида сақланаётган асарларни кидириб топиш, библиографиясини тузиш ва улар устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда мазкур китобларни ўрганиш натижаларини босма ҳолда нашр этиш, электрон ва мобил версияларини яратиш;

замонавий “Book safe”лар, шахсий ва рақамли (виртуал) кутубхоналар тармогини йўлга қўйиш ва олий таълим муассасаларида “Ақли кутубхона” лойиҳаси устида илмий-тадқиқот ишларини янада кенгайтириш;

Ўзбекистонда кутубхонашунослик соҳасида олий ўқув юрғларида ИТ-дастурчи йўналиши бўйича малакали кадрлар тайёрлаш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ОЛИМЖОНОВ ХАБИБЖОН АБДУХАЛИМ УГЛИ**

**ИСТОРИЯ БИБЛИОТЕЧНОГО ДЕЛА  
В ТУРКЕСТАНЕ (1870–1917 ГГ.)**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

Тема диссертации на соискание учение степен доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.4.PhD/Tar806

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице ([www.ik-tarix.nuu.uz](http://www.ik-tarix.nuu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net))

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович</b> кандидат исторических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Расулов Абдулла Нуриддинович</b> доктор исторических наук, профессор
	<b>Умаров Абдусалом Адилевич</b> доктор социологических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский государственный технический университет им. Ислама Каримова</b>

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней за номером DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 при Национальном Университете Узбекистана « 7 » 12 2022 года в 14<sup>00</sup> часов (адрес: 100174, город Ташкент, улица Мирзо Голиба, исторический факультет Национального университета Узбекистана, 1-этаж, 110-аудитория). Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-24; E-mail: nauka@nuu.uz (Национальный университет Узбекистана).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано под номером 749). (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, 4. Главный корпус). Тел.: (+99871) 236-46-55; факс: (+99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан « 23 » 11 2022 года.  
(протокол реестра за номером 22 от « 31 » 08 2022 года)



  
**Х.Э. Юнусова**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

  
**Ж.Э. Тогаев**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней (PhD)

  
**Н.У. Мусаев**  
Председатель научного семинара на базе Научного совета по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Библиотеки являясь основными учреждениями в воспитании духовно развитых людей во всем мире, выполняют функцию потенциального катализатора повышения общественно-политического и культурного сознания общества. Сегодня библиотеки продолжают быть связующим мостом между прошлым, настоящим и будущим. Процесс глобализации оказал большое влияние и на деятельность библиотек, которые имеют большое влияние в решении культурных, социально-экономических и политических проблем населения. Согласно данным Международной Федерации библиотечных ассоциаций и учреждений (IFLA), в мире функционируют более 569 000 библиотек.

В ряде стран мира проводятся исследования по изучению истории создания и развития библиотек, формирования книжных фондов, экслибриса (личного штампа владельца книги), открытия и организации деятельности публичных, частных, научных и специализированных библиотек во второй половине XIX–начале XX вв., а также их места в духовной жизни нации. В частности, реализуются такие важные задачи, как формирование профессиональных компетенций библиотечных специалистов, оцифровка книжных фондов, дистанционное обслуживание, оказание информационно-библиотечного обслуживания, разработка программных решений EBSCO для современных библиотек.

В последние годы в Узбекистане особое внимание уделяется содержательной организации свободного времени молодежи, формированию культуры чтения, пробуждению интереса к чтению книг. Одна из пяти важных инициатив, выдвинутых Президентом Республики Узбекистан, направлена на организацию системной работы по совершенствованию духовности молодежи, организации системных развернутых мероприятий по пропаганде среди них читательской культуры. Реализация данных задач диктует актуальность изучения истории библиотек, разработки научных выводов и предложений. Изучение истории библиотек, разработка научных выводов и предложений по реализации этих вопросов определяет актуальность и необходимость темы диссертации. Так как “значительные работы проводимые в Узбекистане, в частности последовательное развитие отраслей науки, образования, воспитания, культуры, искусства и литературы, всесторонняя поддержка деятелей науки и творчества в условиях рыночной экономики, повышение культуры чтения являются приоритетным направлением государственной политики”<sup>1</sup>.

Настоящая диссертация в определенной степени служит реализацией задач, установленных в указах Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 гг.» от 28 января 2022 г. за №УП-60, “О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения”

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – Б. 340.

от 13 сентября 2017 г. за №ПП-3271, постановления “О дальнейшем совершенствовании информационно-библиотечного обслуживания населения Республики Узбекистан» от 7 июня 2019 г. за №ПП-4354, постановление Кабинета Министров “О совершенствовании системы оказания информационно-библиотечного обслуживания людям с инвалидностью” от 18 сентября 2018 г. за №739, а также и в других нормативно-правовых актах, принятых в данной сфере.

**Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики.** Данное исследование соответствует программе приоритетного направления развития науки и технологии республики I. «Пути формирования и осуществления системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы<sup>2</sup>.** Третий параграф первой главы диссертации посвящен вопросам историографии проблемы, а публикации разделены на четыре группы: 1) исследования, опубликованные в период господства Российской империи; 2) работы, созданные в советский период; 3) исследования периода независимости; 4) исследования, проведенные зарубежными авторами.

Анализ исследований показал, что в работах колониального периода господства Российской империи опубликовано ряд статей о деятельности Ташкентской публичной библиотеки. Однако недостаточно сведений о публичных или частных библиотеках и книжных собраниях в Ферганской, Самаркандской, Сырдарьинской, Закаспийской областях Туркестанского края, принадлежавших представителям местного населения.

В работах советской администрации эта тема анализировалась однобоко, исходя из представлений господствующей идеологии, и не изучалась как отдельный объект исследования.

В годы независимости проведено ряд исследований о деятельности Национальной библиотеки Узбекистана, региональных информационно-библиотечных центров и их книжных фондов.

В научных исследованиях зарубежных исследователей подробно изучена история книжного дела, функции библиотек, а также проблемы создания современных библиотек.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.** Исследование проведено в соответствии с планами научных работ Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека, в частности, в рамках прикладного научного проекта А-ОТ-2021-542- «Создание мультимедийного комплекса и электронной платформы для более глубокого изучения наследия и

---

<sup>2</sup> Уровень изученности проблемы подробно описан в пункте 1 главы I диссертации.

увековечение памяти жертв репрессий и подчеркивающих важность их социально-политических, духовных и просветительских идей в образовании и воспитании».

